

Термиз шаҳридаги теннис корти мажмуида Ўзбек-корейс халқлари маданияти ассоциацияси томонидан «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» мавзусида суратлар кўргазмаси очилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, шунингдек, Ўзбек халқининг тарихи, республикамизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни, Ўзбекистон Президентининг фаолияти билан боғлиқ, шунингдек, Ўзбек ва корейс халқлари дўстлигини акс эттирувчи ёрқин лавҳалар томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 17 декабр, жума № 179 (826)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 декабр кунин Оқсарой қароргоҳида Япония Халқаро ҳамкорлик банки бошқарувчисининг ўринбосари ва бошқарувчи директори Йосеки Нагасени қабул қилди.

Меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, давлатимиз раҳбари мазкур банкка ва у орқали бутун Япония халқига ўз эҳтиромини изҳор этди.

Япониянинг мазкур банки Ўзбекистондаги муҳим лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Кунин кеча Вазирлар Маҳкамасида Й.Нагасе билан бўлиб ўтган учрашувда янги кредит битимлари имзоланди. Мазкур битимлар Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортларини замонавийлаштириш, мамлакатимиз телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш бўйича шу пайтга қадар амалга ошириб келинаётган ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг иккинчи босқичини молиялаштириш кўзда тулади.

(ЎЗА)

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУХОРОЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Янги аср арафасида, минг йилликлар туташган тарихий даврда Ўзбекистон халқи ўз келажagini белгилайдиган жараён - Президент сайловини ўтказди. Истиқлолдан сўнг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритган элимизнинг бу жараёнда фаол иштироки унинг ондаги ўзгаришларнинг, янгича тафаккурининг белгисидир.

Мамлакат Президенти сайловида Фидокорлар миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислам Каримовнинг Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашувда ҳам бу яққол намоён бўлди.

Учрашувни Ўзбекистон Президентининг сайловини ўтказиш бўйича 3-Бухоро округ сайлов комиссияси раиси Комил Муқимов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили Ортиқ Вафоев Ислам Каримовнинг таржimai ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда жадал амалга оширилаётган ислохотларнинг ташаббускори бўлган Ислам Каримов халқимизнинг янги тафаккури пайдо бўлиши, баркамол авлоднинг тарбиялаш, аждодлар меросини тиклаш ва ўрганиш, Ватанимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги улкан ишларнинг раҳнамоси ва қафолати ҳамдир.

Шу боис ҳам юртимиз ахли давлатимиз раҳбарининг ички ва ташқи сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Учрашувда Президентликка номзод Ислам Каримов нутқ сўзлади.

У Бухоролик деҳқонларни галла, пахта етиштириш борасидаги муваффақиятлари билан муборакбод этди. Вилоят мамлакатимиз тараққиётида, унинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётида муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлади. Кейинги йилларда Бухорода иқтисодийнинг барча соҳаларида сезиларли ютуқларга эришилди.

Айниқса, истиқлол шарофати билан бунёд этилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи иқтисодиётимизнинг гигант корхоналаридан бирига айланди. Хозир вилоятда 26 қўша корхона фаолият кўрсатяпти. Улар орасида Хитой билан ҳамкорликда ташкил этилган пиллани қайта ишловчи, АҚШ билан ҳамкорликдаги мрамар плиталар ишлаб чиқарувчи, Хиндистон билан ҳамкорликда дори-дармон ишлаб чиқарувчи қўша корхоналар шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида вилоят аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик сув билан таъминлашда ҳам сезиларли ишлар қилинди. Рақамларга эътибор бердик: 1991 йилда аҳолини табиий газ билан таъминлаш 46,4 фоизни, қишлоқларда эса бу рақам 17,2 фоизни ташкил этарди. Қисқа вақт ичида бу рақам 85,3 ҳамда 77 фоизга етди.

Туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилди. Яқин йилларда Бухоронинг қадимий обидаларини зиёрат қилиш учун келувчи сайёҳлар сони икки баробар кўпаяди. Бунинг учун вилоятда барча имконият бор, деб таъкидлади Юрбошимиз.

Сайловчилар номидан сўзга чиққан меҳнат фахрийси Расул Саломов, Когон туманидаги 3-мактаб бошланғич таълим ўқитувачиси Марҳаб Файзиёва, Бухоро давлат университети рус филологияси кафедраси мудири Людмила Маврина, вилоят спорт қўмитасига қарашли 2-олимпия резервлари ўсмирлар махсус спорт мактабининг бош мураббийси, жаҳон чемпиони Собир Курбонов, Бухоро табиёт институти талабаси Дилбар Наимова, Пешку туманидаги фермер хўжалиги бошлиғи Ёқуб Фаттоев, Гиждувонлик уста-кулло Алишер Нарзуллаев бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Бухоро вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, таълим-тарбия, табиёт, илм-фан ва бошқа соҳалардаги ютуқларда Ислам Каримовнинг ҳиссаси катта эканлигини таъкидлаб, сайловчиларни бўлажак сайловда унинг номзоди учун овоз беришга чақирди.

Ислам Каримов учрашувни яқунлар экан, ўз шаънини айтилган самимий сўзлар учун бухороликларга миннатдорлик билдирди. Бу сўзларда эртанги кунга ишонч муҳассама эканлигини таъкидлади.

Учрашувдан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Бухоро шаҳридаги янги иншоотларни кўздан кечирди. «Хумо» теннис мажмуи билан танишуви чоғида

давлатимиз раҳбари иншоот лойиҳаси, унда томошабинлар учун яратилган қулайликлар билан қизиқди. Бундай спорт мажмуалари соғлом авлодни тарбиялашдек олий мақсадга хизмат қилишини айтди.

«Ислам Каримов Бухоро шаҳри марказидаги Хотира майдонидан ҳам бўлди. Едгорлик мажмуи хусусида ўз тақлифларини билдириб, бундай масканлар одамларнинг хотира ва фахр ҳиссини уйғутувчи муқаддас даргоҳ бўлиши лозимлигини уқтирди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Давлат шошилинч табиий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалини ҳам кўздан кечирди. Тулиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий табиий ускуналар билан жиҳозланган бу шифо масканида беморларга тезкор ёрдам кўрсатиш учун етарли шароит яратилган. Ислам Каримов соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурига мувофиқ бундай муассасаларда барча учун малакали табиий ёрдам кўрсатилиши, жиҳозланиши жиҳатидан эса етакчи хорижий давлатларникидан қолишмаслиги зарурлигини таъкидлади. Зеро, ислохотларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилгандир.

Беход УСМОНОВ, Илҳом САФАРОВ, ЎЗА мухбирлари

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА ИШ ҚИЗГИН

Дастлабки маълумотларга қараганда, Тошкент вилоятида 1 миллион 188 минг сайловчи Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштирок этади. Аини пайтда вилоятда сайлов олди тайёргарлик ишлари қизгин тус олган. Шаҳар ва туманларда тузилган 827 сайлов участкасида бутун эътибор мазкур сиёсий тадбирни юксак ушқоқлик билан ўтказиш, сайловчилар фаоллигини таъминлашга қаратилган.

Биз ҳар бир участкага биттадан комиссиямиз аъзосини масъул сифатида бириктириб қўйдик, дейди республика Президентлиги сайлов ўтказувчи 10-Тошкент округи сайлов комиссияси раиси У.Муслимов. - Натихада тайёргарлик жараёнида юзага келаётган муам-

молар ўша жойнинг ўзида ижобий ҳал этилмоқда. Энг асосийси, барча сайлов участкалари Президентликка номзодлар ҳақидаги плакатлар, уларнинг таржimai ҳоллари ва сайловолди дастурлари чоп этилган китобчалар билан тўла таъминланди.

Вилоят сайлов комиссиялари матбуот марказида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган анжуманлар эса сайлов жараёнида кенг ошқоралиқни таъминлаш билан бирга, сайлов ташкилотчиларига ўзаро таърибга алмишишда ҳам қўл келаётди. Оммавий ахборот воситалари учун яқинда ташкил этилган анжуманда вилоят бўйича сайловчиларнинг аниқ рўйхати тузиш ниҳоясига етказилаётгани, бу борада жамоатчилик вакилларининг қўмағи катта бўлаётгани эътироф этилди.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири

ЛОТИН ЁЗУВИДАГИ ГАЗЕТА

Андижон вилоятида чоп этилаётган «Бўстон» газетаси халқ таълими бошқармаси ҳимоясида лотин ёзувида асосланган янги ўзбек алифбосида босила бошлади. Вилоятдаги «Чўлпон» жамғармаси мазкур нашрга муассислик қилмоқда. Ҳозирча оғига икки марта ўн минг нусхада чоп этилаётган бу газетанинг илк нисбона сони газетхонлар қўлига бориб етди.

(ЎЗА)

САРҶИСОБ

Кунин кеча Ўзбекистон Аграроноат мажмуи ҳамда Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаларининг қурултойлари бўлиб ўтди. Ҳар иккала анжуманда ҳам фуқароларнинг барча манфаатларини ифодалайдиган энг оммавий ташкилот ҳисобланган касаба уюшмаларининг ҳисобот давридаги фаолияти атрофида таҳлил қилинди. Туб ислохотлар талабларини изчил амалга ошириш, иш ҳақларининг ўз вақтида берилишини назорат этиш, ишловчиларга қўшимча энгилликлар яратиш, касаба уюшмаларининг жамият ҳаётига таъсирини янада кучайтириш, ваколат ва ҳуқуқларидан тўла-тўқис фойдаланиш учун мавжуд имкониятларни ишга солиш лозимлиги кун тартибидаги асосий масалалар сифатида кенг муҳокама этилди.

Шунингдек, анжуманларда сўзга чиққан нотиклар, ҳуқуматимиз изчил амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда бўлиб ўтган сайлов натижаларига юқори баҳо бердилар. Янги асрда меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазасига боғлиқ масалалар билан янада жиддий шуғулланиш лозимлиги юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, истак, тақлифларини билдирдилар.

Ташкилий масалалар кўриб чиқилган пленумларда Ш.Эсонбоев Ўзбекистон Аграроноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси, И.Абдуғаниев эса Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси этиб сайландилар.

Шу йилнинг 15 декабрида Тошкент шаҳар касаба уюшмаларининг ҳисобот-конференцияси ўз ишига яқун ясади. Унда ишчанлик вазиятида муҳокама қилинган масалалар юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар, тақлиф, истақлар баён этилди.

Республикамиз Президенти ва ҳуқумати томонидан олиб борилаётган сиёсат ва ислохотлар мамлакат равақи, меҳнаткашлар фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидладилар.

Шунингдек, муҳокамада сўзга чиққанлар жамоа шартномаларини ва битимлар бандларига қатъий амал қилиш, фуқароларни соғломлаштириш, дам олиш ва саломатликларини мустаҳкамлаш, улар уй-жойларини хусусийлаштириш, қўшимча қурилиш материалларини сотиб олишларига қўмақлашиш каби масалаларни ҳам эътибордан четда қолдирмадилар.

Маълумки, азим пойтахтимизда йирик саноат мажмуалари мавжуд. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам иш ҳақлари вақтида берилмапти, деб бўлмайдми. Айрим санацияга тушиш арафасида турган корхоналар маъмуриятлари иш-

ловчиларга бир неча ойдан бери ойлик маош тўлолмаптитлар. Шунингдек, пойтахт корхоналарида меҳнат муҳофазасига доир масалалар биринчи даражали вазифа деб қаралмаганлиги боис ҳисобот даври мобайнида 90 минг иш соати йўқотилиб, 148 нафар киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бунинг яна сабабларидан бири - ишлаб чиқаришда банд бўлган ишловчиларнинг аксарият қисми техника хавфсизлиги, санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган жойларда меҳнат қилаётганидир. Ана шу камчилик-қусурларни бар-тароф этмасдан туриб, бу йўналишда сезиларли силжишга эришиб бўлмайдми. Азим пойтахт касаба уюшмалари катта куч ва имкониятга эгалар. Зеро, ана шу куч ва захирадаги имкониятлар тўлалигича ишга солиниши учун янада жипслашиш, ташаббускорлик кўрсатиш, камчиликларга муро-сияз бўлиш талаб этилади. Шу боисдан ҳам кўпчилик нотиклар асосий эътиборни ана шу муаммолар ечимига қаратдилар.

Конференция сўнггида бўлиб ўтган ташкилий пленумда М.Содиқов Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши раиси этиб сайланди.

Бўлиб ўтган анжуманлар иш-тироқчилари 2000 йил 9 январда ўтказилаётган Президент сайловида Ислам Каримов номзоди учун ақдил овоз беражакларини изҳор этдилар.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВОЙЙЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Навоийда тўқсон икки миллат ва элат вакили иштирокида қиладил. Турли одам бўлган, фикрлар ҳам турлича бўлади, аммо бир масалада улар ҳамма ҳам яқдил - ўз йўлбошимисини севади.

Бугун халқимиз Ислам Каримов сиймосида ўзининг, фарзандларининг, орзу-ҳавасларининг, осий ишталагининг ҳимоячисини кўради ва буни қатъий билан айтмоқда. Утган ўн йил ичида Ислам Каримов ўзининг миллатпарварлиги, салохияти ва буюк келажакка ёлқинли интилиши билан юраклардан жой олди.

Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислам Каримовнинг 16 декабр кунин Навоий вилояти сайловчилари билан учрашувда ҳам бу эътироф бот-бот айтилди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказувчи 5-Навоий округ сайлов комиссияси раиси Баҳриддин Рўзиёев очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Навоий қўз касалликлари касалхонаси бош шифокори Уткир Мавлонов Ислам Каримовнинг ҳаёт йўли ва сайловолди дастури билан учрашувда катнашчиларини таништирди. Ишончли вакил мамлакатимиз учун ўта оғир даврда раҳбарлик фаолиятини бошлаган Ислам Каримовнинг миллий истиқлол ва давлатчилик асосларини барпо этиш, Ўзбекистоннинг буюк келажакни пайдо қилиш учун яратиш йўлида амалга оширган кенг қўламли ишларига алоҳида урғу берди.

Учрашувда Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Иўлбошимиз вилоят саноати мамлакат салохияти ва ишлаб чиқариш соҳаларида салмоқли ўрин тутганини алоҳида эътибор қаратди.

Бугун вилоят мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган цементнинг 42 фоизини, минерал ўғитларнинг 35 фоизини, қимматбаҳо ва рангли металлларнинг 73 фоизини бермоқда, - деди Ислам Каримов. - Бу ерда ҳар йили 300 минг тоннадан зиёд минерал ўғит, 400 минг тоннадан ошқ синтетик аммиак, 1 миллион тоннадан ортиқ цемент ишлаб чиқарилимоқда.

Учқуддаги халқаро аэропорт қурилиши жадаллик билан олиб борилаётганлигига тўхталиб, бу иншоотлар ишга тушган, мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилишини қайд этди.

Ислам Каримов қишлоқ хўжалигидаги ислохотларга тўхталиб, бу йил вилоятда 121 минг тонна пахта, 89 минг тоннадан ортиқ галла ҳосили етиштирилгани ва режа ортиғи билан бажарилганини айтиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари вилоят қорвчилигидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил этар экан, бу соҳада ҳам ўсишга эришилгани, вилоят шаҳар ва қишлоқларини тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилганига эътиборни жалб қилди. Ҳозирги кунда вилоят аҳолисининг 72,4 фоизи табиий газ, 64 фоизи тоза ичимлик сув билан таъминланган.

Ислам Каримов 2000 йил Соғлом авлод йили деб эълон қилинганга диққатни қаратиб, ёш авлодимизнинг соғлом, баркамол бўлишини таъминлаш - бизнинг асосий вазифамиз бўлмоғи кераклигини уқтирди.

Учрашувда сўзга чиққан меҳнат фахрийлари Ахтам Ҳоҳамов ва Ахназар Умаров, Навоий давлат қончилик институти илмий ишлари бўйича проректори Саодат Бозоров, Қизилтепа тумани «Бухоро» ширкат хўжалиги раиси Владимир

(ЎЗА)



2000 йил 9 январь -
Ўзбекистон
Республикаси
ПРЕЗИДЕНТИ
сайлови куни

ПРЕЗИДЕНТ

Меҳнатқашларни ижтимоий

МЕҲНАТ БИРЖАСИ ЁРДАМГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуни ўтиш даври»нинг ўзига хос қийинчиликларни енгиб ўтишда халқимизга мададкор бўлди, десак янглишмаймиз. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида иш ўринлари қисқариши табиий ҳолдир. Шунинг учун ҳам ишсиз қолганларни янги касб-хунар, мутахассисликларга тайёрлаб, ишга жойлаштиришда ва уларни қўллаб-қувватлашда бу қонуннинг аҳамияти беқийёсдир.

Бу қонун республика-мизда фаолият кўрсатаётган меҳнат биржалари зиммасига катта масъулият юклайди. Ишсиз фуқаролар муурожаатини ўрганиб чиқиш, уларни лаёқатига яраша иш билан таъминлаш, янги мутахассисликларга тайёрлаш, ишга лаёқатсиз шахсларга нафақалар тайинлаш меҳнат биржаларининг асосий вазифаларидандир. Жорий йилда меҳнат биржамизга 1530 фуқаро муурожаат қилган бўлса, шулардан 1139таси иш билан таъминланди, 67 киши ижтимоий таъминот бўлимига биржамиз томонидан

қариллик пенсиясига тавсия этилди, ярим мингга яқин фуқароларга сал кам 197 миллион сўм миқдорда ишсизлик нафақаси тўланди. Шунингдек, 300 дан ошди киши ўқишга юборилди. Бундан ташқари 6305 та янги иш жойлари жорий қилинди. Бу эса шунча оила эҳтиёжлари таъминланди, деган гап.

Биз ўз имкониятларимиздан илоҳи борица самарали фойдаланиб, жамиятда соғлом муҳит яратиш мақсадида жазо мудатини ўтаб қайтганларни ишга жойлаштириш борасида ҳам ҳокимликнинг ижтимоий мослашти-

риш бўлими ва туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни амалга оширмақдамиз. Натيجида бу йўналишда ҳам 20 нафар киши биржамиз кумаги билан ишга жойлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болалиқ оилаларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши юзасидан туманимиздаги маҳаллий органлардан 380 та ариза келиб тушган. Шундан 332 та оилалар болалар нафақаси тайинланган.

Кўриб турганингиздек, аҳолининг ижтимоий ҳимояси бугун давлат аҳамиятидаги энг муҳим масалалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Аҳамиятисиз шундаки, тараққиётга йўл тутган мамлакатимизнинг барча қонунлари замирида инсон манфаатлари муҳимдир. Бу эса, фуқароларнинг ҳаётига, келажакка бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди.

Анвар АБДУРАҲИМОВ,
 Чилонзор туман меҳнат биржаси директорининг муовини.

ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Президентининг ўзгалар парваршига муҳтож, яқка-ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялашга оид Фармони юзасидан ибратли тадбирлар амалга оширилди

чайтириш, саховатпешалар сафининг кенгайишида Ўзбекистон Президентининг юқорида қайд этилган Фармонининг аҳамияти катта бўлмоқда. Унинг шарофати билан ўз-ўзини бошқариш органлари, молля, савдо шохобчалари билан шартномалар тузилиб, ўзгалар мададига муҳтож бўлган 830 нафар кексаларга саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари вақтида етказиб бериляпти.

Бағрикенглик, меҳр-муруват, ўзгаларга ёрдам қилини «ўзиш халқимизнинг энг яхши фазилатидир. Мустақил Ўзбекистонимизда инсон юксак қадрланади. Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Бу муноси онахонлар, нуруний отахонларимизнинг гапи.

Равшанки, вилоятимизга халқаро ташкилотлар сый-харакати билан инсонпарварлик ёрдами ҳам келиб туради. Хусусан, «Саховат» ва «Муруват» уйларида яшаётган кишиларга АКШнинг «Кантерпарт Интернешнл» ха-

лқаро ташкилоти томонидан етказиб берилган инсонпарварлик ёрдами улашилди. Дори-дармонлар, турли жиҳозлар нияоятда асқотди. Кувончлиси шуки, вилоятимизда саховатпешалар сони тобора ортиб бормоқда. Яқинда 19-деҳқонқурилиш трести бунёдкорлари ногиронларга 2 миллион сўмлик мадад кўрсатдилар. Бу каби савобли ишлар Қамаш, Яқкабоғ, Шахрисабз туманлари ҳокимликлари томонидан ҳам амалга оширилмоқда.

Бозор шароити омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлашни, катъиятли бўлишни талаб этмоқда. Шу боис, ўзаро талабчанлик муҳитини қучайтиряпмиз. Вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси ҳисобда 206163 нафар пенсионер бўлиб,

жорий йилнинг шу кунигача уларнинг 108 нафарига ногиронлар арачасига, 135 та эшитиш мосламаси, 550 кишига эса 6 миллион сўмдан ортиқ протез-ортопед буюмлари берилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 23 февралдаги аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамни қучайтиришга оид қарори юзасидан ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилди. Масалан, аҳолини қучи ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида пенсия олувчи аҳоли ҳисобидан 12916 нафар алоҳида рўйхатга олинди. Уларга ойма-ой ижтимоий кўмак бериб келиняпти. Бу маблағ ҳозирча 44 миллион сўмдан ошди. Шубҳасиз, ногиронлар саломатлиги ҳақида алоҳида қайғуриляпти. Мақсадга эришишда Товоқсой ва Олтиариқдаги санаторийларимиз бағоят асқотмоқда. Баҳаво, замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган бу шифо масканларида бўлишни кўпчилик ороу қилади. Қасаба уюшмалари томонидан бугунча 152 та йўлланма ажратилган. Ҳомий ташкилотлар ҳам қараб туришмаяпти. Улар 783 нафар ногиронни йўлланмалар билан таъминладилар. Ҳа, меҳр-оқибат ҳаётимизни, аjoyиб инсонларимизни безовчи улуг фазилатдир!

Эркин ТОШТУРДИЕВ,
 Қашқадарё вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси бўлими бошлиғи.

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ИМТИЁЗ

Негаки, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар инсон манфаати учун хизмат қилаётганлигини кундалик турмушимизда ҳис қилиб турибмиз. Айни чоғда Ўзбекистон таълим ва фан ходимларига кўрсатилаётган меҳрибонликлар диққатга сазовордир. Ўқитувчи ва мураббийларга давлат томонидан берилаётган қатор имтиёزلар келажакимиз тақдирини ҳал этувчи куч — ёшларни тарбиялаб вояга етказишга руҳлантirmoқда.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақини ўз вақтида тўланиши учун вазириликлар ва ҳўжалик йортувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам ушбу соҳа ходимларини ижтимоий ҳимоялашга қўйилган навабдаги қадамдир. Таълим тўғрисида»ги қонун, «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор, иқтисодий ёшларни чет элларда таълим олишни қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармасининг тузилиши ана шу сый-харакатларнинг давомидир. Бундан руҳланган педагогик жамоамиз ўз ишларида туб бурилш қилишга чоғланган. Негаки, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Биз олдимизга қандай масала қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир қадрлар масаласига бориб тақалади. Муболагасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажакимиз, мамлакатимизнинг келажиги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ». Инчунун, халқ таълими ходимларининг иш ҳақларини ўз вақтида берилиши тўғрисида қарор билан навабдаги қарор бизни янада масъулият билан ишлашга чорлайди.

М. КОДИРОВ,
 Н.Қазақов номили 3-ўрта мактаб ўқитувчиси,
 Жиззах вилояти.

Сўз - тадбиркорларга

ЗАМОН БИЗГА БОҚДИ

Бозор шароитида Президент Фармонлари биз каби кишиларга катта дармон бўлди. Нима қилсам оилани тузукроқ боқарманман, дея ўйлаиб юрганимда Юртбошимизнинг фермер ҳўжаликларини ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга оид Фармонлари эълон қилинди. Биринчилар қатори хайрилик ишга қўшилдим. Беш фарзандимни ёнимга олиб, кеча-ю кундуз тиним билмай ишладим. Молхоналар қуриш, моллар бош сонини қўпайтиришнинг ўзи бўлмади. Ҳозирги кунда ҳамма бизга ҳавас қилади. Иштиёримизда минг бош қўй, 150 та қорамол бор. Фермер ҳўжалигимизда жами 15 нафар киши меҳнат қилади. Йилга

ўрта ҳисобда 40 тонна гўшт етиштиряпмиз. Маҳсулотимизни Жондор тумани ва Бухоро шаҳри аҳолисига сотамиз.

Кейинги йилларда 35 гектар ерга бугдой, макка экиб, ҳосилдорликни кескин оширишга эришдик. Ҳамжихат ишлаётган тадбиркорлар макка донини биздан олишади. Ҳар бир ходим масъулиятни чуқур ҳис қилади. Ахир, топиш-тутиши яхши, фермер бўлиб кам-қўстларини тузатиб олишди. Ҳозирги кунда энг зотли қорамолларни қўпайтириш орзусида меҳнат қиляпмиз.

Б. ЧОРИЕВ,
 фермер, Жондор тумани.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ШАҚЛ ЯНГИ, МАЗМУН ЭСКИЧА»

Газетамизнинг шу йил 20 октябр сониде босилган мақолада Пахтакор туманидаги Амир Темур номили деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси ўрнисиз харажатларнинг ортиб кетгани, ҳўжалик юритиш шаклан ўзгарган бўлсада, мазмунан эскилигича қолаётгани, бунинг оқибатида маъмурият иш ҳақидан 11 миллион сўм қарздор бўлиб тургани, қалқиб чиққан бундай муаммоларни ечишда қасаба уюшма ташкилоти фаоллик кўрсатмаётгани уқтириб ўтилганди.

Жиззах вилоят агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма кўмитасидан унинг раиси О.Бурхонов имзоси билан олинган жавобда маълум қилинишича, газетда ёритилган камчиликлар текширишда тасдиқланган. Мақолада кўтарилган масала Амир Темур номили деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси ва қасаба уюшма кўмитаси йиғилишида атрофича муҳокама қилинган. Белгиланган тадбирлар натижасида ҳозирги кунгача ишчи-хизматчиларга 560 минг сўм иш ҳақи, қолган иш ҳақи ҳисобидан эса 95 минг сўмлик озиқ-овқат, 141 минг сўмлик бошқа хил маҳсулотлар тарқатилди. Меҳнат ҳақининг қолган қисми шу йил декабр ойининг охиригача тўлимини режалаштирилди.

Шунингдек, жавоб хатида қасаба уюшма кўмитаси ишини жонлантириш мақсадида қасабақўм раиси А.Авазовга амалий ёрдам кўрсатишга, ҳўжатлар, ариза-шикоятлар билан ишлаш юзасидан тегишли тавсиялар беришга ҳам маълум қилинади.

Қасабақўмининг 2000 йилга мўлжалланган тадбирларида ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор масалалар ўз аксини топди.

«ҲАЁТИНГИЗНИ ХАВОФ ОСТИГА ҚЎЙМАНГ»

«Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига кирди...»

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексидеги 211-моддасида айтилган бу қондаларга ҳамма жойда ҳам риоя этиляптими?

Газетамизнинг шу йил 23 октябр сониде юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада шундай савол ўртага ташланиб, Нишон туманидаги «Гулистон» жамоа ҳўжалигидаги аҳвол қаламга олинган эди.

Тахрират ана шу қиқши юзасидан Қашқадарё вилоят кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари И.Турсунов имзоси билан жавоб хати олди. Унда шундай дейилади:

«Кўрсатилган камчиликлар бартараф этилди ҳамда мақола вилоят кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасига қарашли барча ҳўжалик ва ташкилотларга назорат хати орқали юборилиб, жойларда зарур чора-тадбирлар қўрилиши топширилди. Техникларни таъмирлаш даврида махсус кўтаргичлар, биринчи ёрдам учун дори-дармонлар, вояга етмаган ўсимирларни оғир ва хавфли ишларга жалб қилмаслик, техника хавфсизлиги мутахассисини зарур қўлланмалар, хона билан таъминлаш, кўргазмали бурчак ташкил этилиши чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.»

Мақолага жиддий муносабатда бўлиб, мавжуд нуқсонларни бартараф этишга киришилганлиги, албатта, кишини қувонтиради. Лекин ўтмиш тажрибаларидан келиб чиқиб, беихтиёр савол ҳам туғилади: бу чора-тадбирлар шунчаки вақтинчалик сый-харакатлар тусини олмасмикин?

Ўйлаймизки, қасаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши конференция минбаридан янграган ушбу сўзлар ҳар биримизни ҳушёр тортирмай қўймайди: «... Биз билан ёнма-ён меҳнат қилаётган ва қайси биримизнингдир эътиборсизлигимиз, тўғривоғи, масъулиятсизлигимиз оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмган инсоннинг руҳи олдида ўзимизни оқлай оламизми? Жудоллик аламини чекаётган унинг оила аъзоларига тасалли бериб бўладими ёки жазо чоралари билан бир умрга ногирон бўлиб қолганларнинг аҳволи яхшиланиши мумкинми? Йўқ, албатта.»

Бас, шундай экан, ҳар бир меҳнатқаш «ҳаётимизни хавф остига қўймам» дея қатъиян талаб қилишга ҳақлидир. Зеро, иқро ҳам шунга яраша бўлмоқ лозим.

М. ЁҚУБОВ,
 деҳқон ҳўжалиги раҳбари,
 Учқўрғон тумани.

ТОМОРҚАДАН БОЙ БЎЛДИК

Баъзи кишиларнинг тирқиқчиликдан нолиганларини эшитиб, очиги хайратланиман. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳаракат қилган, ҳалол тер тўққан киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Ҳозирдан қиёс. Туманимизда аҳоли зич яшайди. Ишсизлар орамизда бор. Бирок, у-буни баҳона қилмай оила аъзоларим билан томорқага зўр бердик. Деҳқон ҳўжалигимиз бир йилдаёқ обёкка турди. Даромад ҳисобидан яхшигина иссиқхона қуриб олдик. Фарзандларим помидор, бодиринг етиштиришнинг ҳақини олайшган. Қиш ойлари хонадонимизда бўлсангиз, ойнаванон даламизда баҳор нафасини кўриб хайратланасиз. Сифатли маҳсулотларимизга хари-

дор сөрөб. Бир йилда кам деганда 600 минг сўм атрофида даромад қиляпмиз. Шунинг ҳисобидан уй қурдик, тўйлар қиляпмиз. Хайрия тадбирларига баҳоли қудрат ҳисса қўшпимиз. Кўпинча тўкин дастурхон атрофида оила аъзоларим билан жамул-жам бўлганимизда, Фармон чиқарган меҳрибон Президентимизга қайта-қайта раҳматлар айтამиз.

2000 йилнинг 9 январь кунин сайлов участкамизга бориб, бутун оила аъзолари билан Ўзбекистон Республикасини Президентлигига номзод Исом Каримов учун овоз берамиз!

М. ЁҚУБОВ,
 деҳқон ҳўжалиги раҳбари,
 Учқўрғон тумани.



Бахтли лаҳзалар

Ислоҳот инсон учун

Хоразм вилояти деҳқонлари эрта баҳорда юз минг гектар ерга уруғ қадаб, мўл ҳосил етиштирдилар. Натيجида улар бу йил ҳам республикада пешқадамлар сафиде давлатга пахта сотиш режасини ошириб бажардилар. Бу ютуқнинг асосий қалити теримга жалб қилинганларни моддий ва маънавий рағбатлантиришдир. Чунки иқтисодлаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-Банк»нинг Хоразм вилояти бошқармаси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга оширишда омилкорлик кўрсатдилар.

— Мақсадга эришиш учун туман бўлимлари ходимлари томонидан барча зарурий чора-тадбирлар қўрилди, — дейди бошқарма бошлиғи Азимбой Тангрибердиев. — Хусусан, жойларда мутахассислардан ибрат махсус гуруҳлар тузилди. Унинг аъзолари йиғим-теримда иштирок этганларга ҳақ тўлашни уюштириб беришга алоҳида эътибор қаратилди, далада ишловчиларнинг меҳнати ҳисоб-китоб қилиниб, рағбатлантириб боришга алоҳида боис деҳқонларнинг ишга бўлган муносабатида ижобий силжиишлар юз берди.

Ҳақиқатан ҳам ҳар соҳа муаммосини ҳал этиш замирида моддий манфаатдорлик ётади. Қаерда бу масала ҳал қилинса, уша ерда ўсиш, тараққиёт бўлади. Юқоридаги бошқарма ўз ходимларини моддий манфаатдор қилгани боис бу ерда амалга оши-

риляётган ишлар яхши натижаларга олиб келмоқда. Масалан, бошқарма томонидан жорий йилда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш мақсадида муайян ишлар қилинди. Корхона ва ҳўжаликларнинг ўзаро қарзларини қамайтириш учун 145,9 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Уларнинг иқтисодий самараси 686,8 миллион сўмини ташкил қилади. Амалга оширилган тадбирлар натижасида йил бошига нисбатан муддати ўтган дебитор қарзлар 4 мартага,

ва ташкилотларнинг ойлик маошдан қарзи тўғрисидаги кундалик маълумотга эга бўлиш, қараларнинг берилиши ёки бу йўналишда пайдо бўлган муаммоларни бартараф қилиш ҳамда бошқа масалаларни ҳал қилиш вазифаси юклатилди. Агарда қарор чиққунча банк хизмат кўрсатаётган 145 та ҳўжалик субъектларида 263 миллион сўмлик қарз мавжуд бўлган бўлса, 30 ноябрга келиб бу рақам 85 миллион сўмини ташкил этди.

Банк тизимини жаҳон ан-

йил апрел ойдан бошлаб вилоят жамоа ҳўжаликлари-нинг бир нечасида компьютерлар ўрнатилди. Компьютер билан ишлайдиган мутадад қўллаб-қувватлашни янада қучайтиришга олиб келди. Масалан, бошқарманинг Богот тумани бўлими ходими Турдигул Самандарова шундай хикоя қилади:

— Мен банк тизимиде 1971 йилдан бўён хизмат қиламан. Олти нафар фарзандим бор. Шу боис 1995 йилда менга қўшимча хоналар ажратишни сўраб раҳбариятга ариза билан чиққан эдим. Раҳбарият ва қасаба уюшмасига раҳмат. Улар банк хизматини кўрсатишда тушган фойда ҳисобига ўтган йилги қурилган уйлордан текинга уч хонали хонадонни ажратди. Коттеж усулида бунёд этилган биналардаги оқсондорлар мендан ташқари яна етти оилалга берилди. Уларнинг шу пайтадаги хурсандчилигини кўрсангиз эди.

Турдигул она ҳақ гапни айтди. Чунки бошқарма ходимларини моддий манфаатдор қилиш учун қўллаб юмушларни амалга оширмоқда. Мисол учун шу йилнинг ўзида мутахассисларнинг кам таъминланган оилаларига 706 минг сўм маблағ сарфланди. Республика миқёсдаги кўннинг 8 йиллиги арафасида ходимларга 1,5 миллион сўмдан ортқуш бўлишига йиғилди. Икки йилгача болаларни тарбиялаётган оналарга 921 минг сўм тўланди. Бошқарманинг Гулран тумани бўлимида ишлайдиган Лўция Абдураҳмонова ўзининг юбилей тантанаси арафасида 12 минг сўм билан тақдирланди.

Фулум ЮСУПОВ,
 «Ишонч» муҳбири.

ИШ ҲАҚИ: МУАММО БАРТАРАФ ЭТИЛЯПТИ

кредитор қарзлар 4,4 баробарга қисқарди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил ноябр ойидаги «Иш ҳақини ўз вақтида тўланиши учун вазириликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда бир мунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, жойлардаги иш ҳақидан бўлган қарзларнинг берилишини назорат қилиш мақсадида бошқарманинг маъсул ходимлари туман бўлимларига бириктирилди. Уларга шу банк бўлимларидаги корхона

дозалари талабига яқинлаштириш ҳозирги замон муаммоларидан биридир. Бошқарма ходимлари бу борада ҳам бир мунча ишларни амалга оширмоқдалар. Жамоа ҳўжаликларини компьютерлаштириш ва бухгалтерия ҳисоботларини тўғри йўлга қўйиш, банклар билан алмашиняётган ахборотларнинг ишончлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар шулар жумласидандир. Бунла ҳўжаликларнинг банклар, солиқ, кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари билан ахборотлар алмашиниши модерн алоқаси орқали амалга ошириш мақсадида мувофиқдир. Шу маънода 1998

ўзбек тилида тайёрланган дастур Богот тумани «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигида ишга туширилиб, 1998 йил охиригача тўлиқ ишлатилди. Утган йил учун ҳисоботлар дастур асосида шу йил 5 январь кунинга тайёрланди. Ишлаш давомида юзага келган камчилик ва ўзгаришлар ҳисобчида тўлдирилди борилди ва ҳозирда бу мукамал дастурга айланди. Натيجида ҳўжаликдаги ҳисоб-китоб ишлар тўғри ва аниқ йўлга қўйилди. Баланд ҳар ойнинг ўзида мўддатдан 15-20 кун олдин чиқарилиши таъминланди.

Миқозларга хизмат кўрсатишни замон талабларига

ФАРМОННИ

ХИМОЯЛАШ ТАЯНЧИ

Барча юкни кўтардим, аммо бурчдан оғирроқ юкни кўрмадим. Барча лаззатни тотиб кўрдим, аммо саломатликдан ортиқроқ лаззатни кўрмадим. Энг ширин лаззат саломатликдир.

Истиклол туфайли дунё юзини кўрган Бахт қомусимиз - Ўзбекистон Конституциясининг етти йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда муҳтарам Йўлбошимиз 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилар эканлар, беихтиёр аллома Лукмони Ҳаким болонимизнинг ўқоридаги ҳикоятлари ёдга тушди. Нақадар адолатли баҳо! Чиндан-да, халқ таъбири билан айтганда, инсоннинг бутун вужуди ўзаро туташ оғрик ва лаззат нуқталаридан ташкил топгандир. Оғрик турса, лаззат йўқолади, соғлом одамгина лаззатлана олади.

Хукуки, демократик, яъни ҳақиқий инсонпарвар жамият қуриш йўлига тушиб олганимиздан буён ўтган фурсат ичида мамлакатимизда моддий ва маънавий соҳаларда амалга оширилган ишлар нақадар кўламдор эканлигини бугун ҳорижда ҳам эътироф этмоқда. Энг муҳими, ислохотлар ислохотлар учун эмас, инсонлар учун эканлигига эндиликда ҳеч кимда шубҳа қолмади. Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини

ни ташкил қилмоқда. Даволашни аҳолига яқинлаштириш мақсадида ҳар бир вилоятда санаторий мажмуалари қурилишини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Яқин фурсатда сихатгоҳлар акциядорлик жамиятларига айлантирилди, бу эса ҳар бир санаторий жаҳон андозаларига мослаштирилган кўлаги килариш учун астойдил ҳаракат қилади, деганидир.

СОҒЛОМ АВЛОД - ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК

Кези келганда, «Чимён», «Чинобод», «Турон», «Чортоқ» ва «Бўстон» даги мавжуд гинекология, «Чимён», «Чинобод» ва «Нихол» даги андрология, «Чинобод» ва «Нихол» даги қанди диабет касалликларини ўтказган беморларни даволаш, «Турон», «Чортоқ» санаторийларидаги юрак инфаркти касалликларини ўтказган беморларни даволовчи - реабилитация бўлимлари каторига «8-Март» сихатгоҳида болалар гинекология ва «Бўстон» санаторийлари орқа мия касалликлари реабилитация бўлимлари ташкил этиш

врачлик амбулаторияларининг ишга туширилаётгани ва оилавий поликлиникалар иш фаолиятини яхшилаш учун саъй-ҳаракатлар қилинаётгани ҳам аслида шундан. Мақсад - одамлар камроқ хасталансин, соғлом турмуш тарзи тантана қилсин!


Иқтисодий бўҳронлар қўйган тўсиқларга қарамай, мамлакатимизда кўплаб болалар оромгоҳларда ишлаб турганлиги ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Мана бу йил ҳам 330 мингдан зиёд бола соғломлаштириш ва дам олиш масканлари хизматидан баҳраманд бўлдилар. Шу жумладан, экологик жиҳатдан ночор минтақа ҳисобланмиш Оролбўйи ҳудудидан 4 минг бола энг сўлим оромгоҳларда ҳордик чиқардилар, соғлиқларини тиклаб олдилар.

2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан шаксубҳасиз, яқин орада ушбу эзу мақсади рўёбга чиқариш мақсадида махсус ҳужум дастури ишлаб чиқилади. Демакки, республика касабаси уюшмалари Федерацияси олдига янада катта вазифалар қўйилади. Бу вазифаларни бекума кўст бажариш эса биз учун катта шарафдир.

Озода МУХИТДИНОВА,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари.

Мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ.

Ислом КАРИМОВ.



НУРОНИЙЛАР АҲДИ

Ўзбекистон Республикаси «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон бошқарма Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний оқсоқоллар қатнашди.

Хукуматимиз қарияларнинг яхши яшашлари учун шароитлар яратиб бермоқда. Бунинг учун улар Юртбошимиздан миннатдор. Йиғилишда «Нуроний» жамғармаси Қо-

рақалпоғистон Республикаси бўлими бошқарма Кенгашининг раиси Ж.Муяйтидинов, уруш ва меҳнат фахрийлари С.Султонов, М.Абдурахмонов, А.Ерланова, А.Розенфельд, И.Баутина, Т.Абдумуратов ва бошқалар сўзга чиқиб, келгуси йил 9 январда бўладиган Президентлик сайловидан Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаётганларини билдирдилар.

ФАХР РАҚС САЪЯТИ РАВНАҚИ

Мамлакатимизда Миллий рақс санъатини ривожлантириш мақсадида муҳим таълимий тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан миллий рақс ва хореография олий мактабининг тузилиши оммавий санъат равнақи учун мустаҳкам негиз яратиб берди.

Бу олий ўқув юрти санъаткорлар тайёрлаш билан бирга мамлакатимизда рақс санъати таълимини академик маком даражасига кўтаришга ҳам асосий эътиборни қаратмоқда. Шу мақсадда олий ўқув юрти қатор ўқув режаларини белгилаб чиқди.

Республикаимизда эркаклар рақсини ривожлантириш билан боғлиқ ўқув жараёнлари ҳам йўлга қўйилди. Шу соҳа бўйича билим ва амалий кўникма ҳосил қилган ёш рақсчилар мамлакатда рақс санъати томошаларини халққа намойиш қилиш билан шуғулланишди.

Жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кам ўрганган рақсларнинг назарий ва амалий томонлари ҳам таъдиқ қилинади. Айни вақтда Хоразм рақс мактабининг янада бойитиш ва оммалаштириш режалари белгиланди.

Мамлакатимизда кекса кишилар, ёлғиз қариялар ва аҳолининг бошқа кам таъминланган қатлами ижтимоий ҳимояси давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Улар ижтимоий таъминот бўлимлари орқали пенсия, нафақалар, моддий ва маънавий рағбатлар, дам олишлари ва соғлиқлари ни тиклашлари учун йўлланмалари, ёлғиз кексалар эса ҳар ойда 9 турдаги озаик-овқат маҳсулотлари билан мунтазам равишда таъминланган келмоқдалар.

Хусусан, шаҳар ижтимоий таъминот Бош бошқармасига қарашли Юнусобод туманида жойлашган «Нуронийлар» оромгоҳида туман ижтимоий таъминот бўлимларининг бепул йўлланмалари билан уруш қатнашчилари ҳар йили, пенсионерлар эса икки йилда бир марта ҳордик чиқариб даволанадилар.

ҚАДДИМИЗНИ ҲОЗ ТУТИБ

«Нуронийлар» оромгоҳидан репортаж

дан келган ногирон пенсияонер Мамлакат Сайфуллаева. Бошқа дам олиш масканларини ҳам айтишди, аммо мен «Нуронийлар» оромгоҳини танладим. Чунки бу масканда яратилган шароитни бошқа жойлар билан тенглаштириб бўлмайди.

Узим украинман, ёшим 75 да, дейди уруш ногирони Петр Ридун. Мана 60 йилдики кўёли Ўзбекистонда яшайман. Бу ерга тўртинчи бор келишим. Оромгоҳ менга жуда ёқади. Миннатдорлик тўла дил изҳорларидан кўриниб турибдики, «Нуронийлар» оромгоҳи жамоаси отахон ва онахонларнинг кўнгилларини кўтариш ва дуолаларини олишга астойдил ҳаракат қилаёпти. Оромгоҳда бир ойда 212 нафар, бир йилда эса 4 минг нафарга яқин киши ҳордик чиқаради. Улар бу ерда дам олиш билан бирга соғлиқларини ҳам тиклаб қайтадилар. 18 кун давомида шифокор тавсиясига қўра физиологик даволаш ва дори-дармон воситаларидан баҳраманд бўладилар. Бундан ташқари оромгоҳда маданий-маърифий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир қаватда телевизор, ошхо-

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Сабоқ

Самарқанд вилояти Гўзалкент туманининг Мирзо Улуғбек кўчаси, 7-уйда яшовчи фуқаро Ғани Юсупов тахририятимизга хат йўллаб, унда ўзи раҳбар бўлиб ишлаётган «Қахрамон» деҳқон-фермер хўжалиги молиявий фаолиятида айрим тушунмовчиликлар содир бўлаётгани ваҳидан унга ойдинлик киритишга ёрдам беришни сўраган эди.

Хатда кўтарилган масала бевоқифа хукукни муҳофаза қилиш органларига алоқадор бўлганлиги сабабли, тахририят арзномани Гўзалкент туман прокуратурасига йўллаганди.

ШАРТНОМА ТАЛАБИ - ҚАТЪИЙ

туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси И.Нуралиев имзоси билан жавоб хати олинди. Унинг асосий мазмунини куйидагилардан иборат:

«Қахрамон» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари 45900 сўмлик сугурта шартномасига имзо чеккан бўлиб, шундан сугурта тўлови фақат 1996 йил учун тўланган, ҳоло. Кейинги йилда ўқоридаги тўловлар тўланмагани боис шартнома қонуний кучини йўқотган. Бундан ташқари, Ғ.Ю.супов хўжалик эҳтиёжи учун банкдан олинган кредитнинг 100 минг сўмини мақсадга номувофиқ ишлаб, кредит шартномаси талабларини бузган.

Ўқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, хат муаллифига ушбу иш юзасидан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилди.

Хайри ташаббус

АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИЛАРГА СТИПЕНДИЯ

Мамлакатимиз Президентининг ҳақида беқиёс меҳрибонликлар кўрсатиб келмоқда. Йигит ва қизларимиз бунга жавобан яхши ўқиб, ҳалол меҳнат қилиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Китоб туманидаги Каромат Рустамова номи жамоа ширкат хўжалигида иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилаётганлиги туфайли анча ўзини тутиб олди. Бу ерда 12 та қишлоқ бўлиб, уларда 15 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шунинг билан таъкидлашим лозимки, Президент Фармонлари меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчига айланди. Етим-есирлар, боқувчисини йўқотганлар, меҳнат фахрийлари алоҳида меҳрибонлик билан қўриша олинган. Албатта, ижтимоий ҳимоя юзасидан белгиланган тадбирларни кўнгилдагидек амалга ошириш учун хўжалик иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши керак. Сўнгги йилларда илғор технология, фан ютуқла-

Ёшлар ташаккури ЭРТАДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ

Бозор муносабатлари шароити қайси касба, қайси вазифада ишлашимиздан қатъи назар, ҳар биримиздан пухта ўйлаб иш қилиш, тежамкор бўлиш, имкониётлардан тўлароқ фойдаланиш учун оқилона йўл тузишни тақозо этмоқда. Мен ва курсдошларимдан бир нечтаимиз кундузи олий билим-гоҳда тахсил олиб, кечкурун бўш пайтларимизда ярим ставкадан ишламоқдамиз. Бу - бир томондан дарсликлар, кийим-кечагимизга сарфланадиган харажатларни қоплаётган бўлса, иккинчи томондан ота-онаимизнинг рўзгор ташвишларини бир мунча енгиллаштиришга хизмат қилаётди, деб ўйлайман. Тўғри, ота-онамиз бу ниятимизга қарши чиқмади. Нима бўлганда, ота-онада - ўғлимиз уриниб қолмасин, ишлаша ўқидан қўнғили совиқиди, деган ўйда шундай йўл тутишгани тушунарлидир. Очингини айтишда, дастлаб бундай муҳитга кўникиб кетишимиз қийин кечди. Орадан бир оз вақт ўтгач, яъни шу йил 19 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1999 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»-ги Фармони матбуотда эълон қилинди. Биз - Тошкент Давлат тех-

Савоб

Сурхондарё вилоятидаги йилига 3 тонна йод тайёрлаш қувватига эга бўлган Ховдак йод ишлаб чиқариш корхонаси махсулот бера бошлади. Мамлакатимиз олимлари ва инженер-техник ходимлари томонидан яратилган йод олиш мослама-

ИЛК МАҲСУЛОТ ХАЙРИЯ ҚИЛИНДИ

си арзон ва сифатли махсулот олишни таъминлади. Унинг илк туркуми - тўрт ярим минг шиша йод хайрия тариқасида вилоятдаги 22 та даволаш муассасаси, ногиронлар, кўзи ожизлар, болалар уйи, махсус мактаб-интернатларга тарқатилди.



Фармонни кимлар бажармаяпти?

Яқинда Тошкент шаҳридаги Бектемир туманида бўлди. Бир гуруҳ нуронийлар билан оқиқасига суҳбатлашдик. Отахонлар Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шарофати билан мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш юзасидан беқиёс ишлар амалга оширилаётганлигини эътироф этдилар. Бирок, табири билан кўнглиридаги гапни айтишга истиҳоло қилишаётганини сезиб турардик. Тахминимиз тўғри бўлиб чиқди. Мазлум бўлишича, туманнинг айрим ҳудудларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, маърифий шароитларини яхшилаш масаласига етарли эътибор берилмаётган экан. Хонадонларда ҳаммаша сув танқис. Шу боис одамлар узоқ йиллардан бўён томорқалардан ҳосил олиш қаватли бинолар тушгандан сўнг маҳаллаларга умуман сув келмай

ТАНАСИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

кўйди. Чирчиқ дарёсидан келадиган сувдан умид қолмади. Юқори Чирчиқ туманидаги Йиқ ота номи ширкат хўжалиги томонидан шарқираб келадиган оби ҳаёт ҳам ариқ зовурлар вақтида тозаланмаганлиги оқибатида тўхтаб қолди. Маҳаллада маданий-маърифий шохобчлар йўқ. Одамлар ҳайрон, нима қилиб аҳволни тузатиш мумкин? Кўплашиб неча бор тегишли идораларга мурожаат қилишди. Ҳокимликдаги мутасаддилар эса муаммоларни бугун-эрта ҳал этамиз, дея қўйиларини пуч ёнғоққа тўлғаб қелишяпти.

Туманда клиник шифохона қурилиши бошланганда барча хурсанд бўлганди. Бирок, аҳоли хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Боиси, саломатлик масканини бунёд этиш ишлари бошланди-ю, сал вақт ўтмай ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Мана, ўн йилдан буён у пайсалга солиб келинмоқда. Мамлакатимизда 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Жойларда хотин-қизлар ҳақида меҳрибонликни кучайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланмоқда. Бирок, Бектемирда локал туғруқхона мавжуд эмаслиги адолатли тарзда жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда. Отахонлар тўғри таъкидлашмоқда, туман гўёки ҳаёт қайнабган азият-ҳардан узилиб қолгандек. Бу хусусда мутасаддиларнинг ўзлари қандай фикрда эканлар?

К.ШОКИРОВ,
Х.КОДИРОВ,
«Ишонч» мухбирлари.



«БЕЛБОҒЛИ КУРАШ» ЖАҲОН САРИ

бориб тақалади. Тарихий манбалардаги маълумотларга кўра, фарғонача усулдаги кураш республикамизнинг Тошкент шаҳри ва вилояти, Сирдарё, Фарғона водийсидаги вилоятлар ҳамда Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Тожикистоннинг Хўжанд, Қозғистоннинг Чимкент, Жамбул каби ҳудудларида қадимдан бир хил қоида асосида кенг тарқалган бўлиб, ўша замонлардаёқ сайилгоҳ, байрамлар ва тўйларда уларнинг полвонлари ўртасидаги бахслар қизғин кечиб, ўз халқ шайнини химоя қилган. Мана шу узок йиллик ўтмиш тарих қайта тикланиб, мазкур курашимизнинг ҳам халққаро тус олишига йўл очиб бермоқда.

Кураш сингари белбоғли курашнинг ҳам жаҳон майдони сари илдам оммавийлашуви борасида Федерация томонидан қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда?

Давлатимиз раҳбарияти томонидан миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни тиклаш мақсадида миллий спорт турларига ҳам берилмаётган катта эътибор туфайли ўзбек халқининг ушбу кураши ҳам республикамизда, қолаверса, халққаро миқёсида оммавий тарзда ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Шу имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида кураш фидойилари, кураш мил-

лий федерацияси яқин йиллар ичида жаҳон тан олган кураш изидан мазкур курашни ҳам жаҳон майдонига янги қоидалар асосида олиб чиқишга астойдил бел боғлаган-



лар. Ўтказилаётган халққаро турнир яқинда бошланган ишимизнинг дебючаси ҳисобланади. Айни пайтда эса, кураш ойлиги муносабати билан барча вилоятларимизда «Белбоғли кураш» бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Шунингдек, келгуси йилдаги мусобақалар режасидан Андижон вило-

ятида Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Наманганда Бобораҳим Машраб, Фарғонада Ҳазрати Али, Тошкент шаҳрида Аҳмад Ҳожи полвон каби буюк шахслар хотирасига ба-

сия Федерациясининг республика ва вилоятлари, жумладан, Татаристон, Бошқирдистон республикалари ҳамда Шимолий Кавказ ўлкаларида кенг тарқалган бўлиб, бошқа миллатлар қатори улар ҳам мазкур курашга ўзларининг миллий спорт тури сифатида қарашади. Ўз навбатида ўша юрتلарнинг паҳлавонлари ҳам бу спорт билан мунтазам шугулланиб, донг таратиб келмоқдалар. Яқиндагина улар ҳам «Белбоғли кураш»ни келгусида ягона қоида асосида ривожлантириш ва биргаликда тадбирлар ўтказиш мақсадида ўзаро келишувга розилик билдиришди. Шунингдек, Европадаги Швейцария давлатида, Африка қитъасининг Эфиопия мамлакатида, Хитойда, Жанубий Корея Республикасида ҳамда Украинанинг Донецк вилояти каби бир қатор ўлкаларда «Белбоғли кураш»нинг усулларида ўқшаш бўлган усуллар билан беллашувлар ўтказилишини эътиборга олсак, курашимизни турли миллат халқлари ўртасида тезроқ оммавийлашувига осонлик туғдиришида далолатларидир. Ана шу имкониятлар ҳисобида республикамизда бошланган халққаро турнирнинг аънаванавий тарзда давомийлиги 2000 йилдан бошлаб, нафақат юртимизда балки хорижий давлатларда ҳам ўтказилишига аминман.



АКОПЯНЦ – МАВСУМДА ЭНГ КУЧИЛИ!

Мана бир неча йилдан буён мавсум низоҳида йилнинг энг яхши мураббийи ва футболчисини аниқлаш аънавага айланган бўлган. Бу йил ҳам шу аънавага содиқ қолинди: 40 дан зиёд спорт журналистлари иштирок этган сўровда 8 миллий чемпионатнинг энг яхши мураббийи ва футболчиси аниқланди.

Энг яхши футболчи номини аниқлаш учун ўтказилган сўровда олий лиганинг 10 та жамоасидан жами 24 нафар футболчи номзодлар этиб танлаб олинди. Яқини ҳисобларга кўра эса мазкур номзодлардан «Пахтакор» вакили Андрей Акопянц энг кўп — 70 очко тўлаб йилнинг энг яхши футболчиси номини кўлга киритди. У иккинчи ўрин соҳибини Шухрат Раҳмонкулов («Навбахор»)ни 33 очко фарқи билан ортда қолдирди. Учинчи ўринга эса «Дўстлик» футболчиси Нўмон Ҳасанов лойиқ кўрилди: 28 очко олган.

Мураббийлар орасида эса бу шарафли номга «Нефтичи»нинг узок йиллик мураббийи Юрий Саркисян мушарраф бўлди. Агар у ўтган йилги мавсумда ҳам 97 очко билан

мураббийлар ичида пешқадамлик қилган бўлса, бу йил очколарини 104 тага етказди. Иккинчи ўрин ҳақли равишда легионер мураббий Андижоннинг «Андижон» жамоаси йўлбошчиси Сергей Шевченко (48 очко)га насиб этди. Чиндан ҳам, иккинчи давранинг ўзидаёқ жамоани 14-ўриндан 6-ўринга чиқара олган моҳир мураббий нафақат спорт журналистлари, балки мухлислар олқиши-ю, мутахассислар эътирофига ҳам сазовор бўлди. Чемпион ҳам — «Дўстлик»нинг бош мураббийи Рустам Мирсодиқов эса учинчи ўрин билан кифояланди.

«А» ГУРУҲИДА НИМА ГАП?

Келгуси йил Белгия ва Голландия яшил майдонларида бўлиб ўтадиган «Евро-2002»нинг финал босқичи учрашувларига қўра ташланди. Қўра натижаларига кўра финалга йўлланма олган 16 жамоа гуруҳларга ажратилди. Тақдирни кўрингки, «ЖЧ-2002» саралаш босқичида бир гуруҳдан жой олган гигант жамоалар — Англия ва Германия мазкур Европа чемпионати финал қисмининг «А» гуруҳида ҳам яна учрашадиган бўлишди. Яна икки фаворит жамоа Руминия ва Португалиянинг ушбу, «ажал гуруҳи» дея номланган гуруҳ вакилларига айланганга нима дейсиз? Хуллас, «Евро-2000» қўра натижалари миллионлар йўнининг миллионлаб мухлису мутахассислари олдига ечимли йўқ оғир савол қўйди. «А» гуруҳида ким кучли?

ҲИНДИСТОНГА ИЖОДИЙ САФАРГА

Мамлакатимизда болалар фольклор ансамбли сони ортиб бормоқда. Республикаemiz пойтахтидаги Абу Али Ибн Сино номидаги маданият марказида фаолият кўрсатаётган «Умид» болалар фольклор-рақс ижодий гуруҳи ҳам танилиб қолди. Бундан беш йил муқаддам ташкил топган бу ансамбл концерт репертуарида ўзбек, тожик, турк, хинд рақслари ҳам бор. Махорат билан ихро этилаётган бу томошалар жойлаб яхши кутиб олинмоқда.

Республикамиз вилоятлари бўйлаб уюштирилган ижодий сафарлар ҳам кўнгилдагидек бўлди. Самарқанд, Жиззах, Қашқарда вилоятларига қилинган гастролларда янги тайёрланган рақсларга кенг ўрин берилди. Ижодий муваффақияти билан томошабинлар эътиборини қозонаётган «Умид» ансамбли Ҳиндистон пойтахти Дехли шаҳрида ўтказилган болалар театллари учинчи халққаро фестивалда ҳам қатнашадиган бўлди. Бу ижодий сафар олдидан ансамбл янги рақс дастурини тайёрлади.

МУСТАҲҚАМ ДЎСТЛИК

Мана бир неча йилдирки, Тошкентада Литва маданияти жамяти фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу нуфузли маданият маркази ўзбек ва литва халқлари ўртасида маданий алоқаларни кенг йўлга қўйиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширмоқда. Шу йилнинг ёзида Литва хартасининг 50 йиллиги муносабати билан Вильнюс шаҳрида халққаро съезд ўтказилди. Бу тантанана ўзбекистонлик маданият ходимлари вакиллари ҳам тақдир қилинди. Шу кунларда Тошкентдаги Литва маданият жамяти навбатдаги катта тантананага тайёргарлик кўрмоқда. Гап шундаки, декабр ойда Вильнюсда Литва ёшларининг навбатдаги ўзини халққаро конгресси ўтказилади. Шу анжуман олдидан жамяят қатор тадбирларни уюштиришга киришди.

Айни вақтда ўзбекистонлик ёшлардан бир гуруҳи ана шу конгрессга ишда қатнашди. Бу делегация билан бўладиган давра суҳбатларида ҳар икки халқ ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва маданий алоқалар ҳақида самимий гаплар айтилиши турган гап.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

А.АЛИЕВ

1999 йил — Аёллар йили ҲАМШИРА РАВШАНОЙ

«Шарк» нашриёт-матбаа концернининг Кибрайдаги «Навбахор» санаторийсида бир аёл бор. Унинг муомаласи бу ердаги бошқа хизматчиларникидан нимаси биландир ажралиб туради. Бунинг оромгоҳга даволаниш, дам олишга келган кишилар тезда пайқашади-да, унга меҳр қўйиб қолишади. Бу — сихатгоҳнинг бош ҳамшираси Равшаной Ғоипова.

Равшаной Чирчиқ шаҳридаги тиббиёт билим юртини имтиёзли диплом билан тугатиб, ишчи эндиликда ўзига қадрдон бўлиб қолган мана шу масканда бошлади. Аҳил ва иноқ жамоа уни илиқ кутиб олиб, ёш ҳамширанинг фаолият кўрсатишига яқиндан ёрдам берди. Мана шунга ҳам ўн уч йилдан ошибди.

Касбнинг катта-кичиги, яхши-ёмони бўлмайди. Ҳаммасига талаб битта: у ҳам бўлса — танланган касбга меҳр қўйиб ишлаш, фидойилик кўрсатиш. Равшаной худди шундай йўл тутди. Меҳнат фаолиятини бошлаган дастлабки кунларданок пишқ-пухта иш юритди. Интизомга қаттиқ риоя қилди. Даволанувчилар, дам олувчилар билан яхши муомала муносабатида бўлди. Уларнинг қалбига йўл топишга уринди. Шифоқорлар буюрган муоалаларни ўз вақтида бажаришни одат қилиб олди.

Уқуви қиз эмасми, тез орада барча даволаш жараёнларини ўзлаштириб, уқол қилиш борми, физиотерапия, обзасан хизматларини бажаришми, ҳамма ҳаммасини аъло даражада бажарадиган бўлди. Шу боис уни катта ҳамшираликка ўтказишди.

Мана, бир неча йилдирки, Равшаной ҳамширалар етакчиси. Ҳаммасига вазифаларни рисоладагидек белгилаб берган. Бир-бирларини тушуниб ишлашади. Даволанаётганлар уларнинг хизматларидан хурсанд.

— Мен кўпдан буён «Навбахор»да дам олиб, даволаниб кетаман — дейди кекса матбаачи, меҳнат фахрийси Мирзохид ака Миршаропов. — Хизматдагиларнинг барчаси келганинда яхши кутиб олишиб, намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишади. Лекин Равшанойнинг меҳнатини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Уни беэаъидан фазилатлар талайгина. Муҳими, фариштали аёл. Меҳнати беминнат, қуюнчақ, шу билан бирга меҳрибон. Ҳамма билан тил топишиб ишлайди.

— Даволаниб, дам олувчиларнинг олқишига сазовор бўлиш-севган касбим мақсад-моҳияти — дейди Равшаной.

Олқиш олган етар муродга, деган нақл бор. «Навбахор» маликаси Равшаной Ғоипова ҳам мижозлар хурматига сазовор бўлиб, мурод-мақсадида етмоқда.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.

Тошкент вилоят Пискент туманидаги 1-ўрта мактаб томонидан Усмонов Илёс Аҳрорхоновчи номига берилган № 027254 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сўраган эдингиз

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Муборак рамазон ойда юз кўриш турганимизга Аллоҳга беҳисоб шукурлар бўлсин. Мустақил Ватанимизда ана шу саодатли кунлар ибодатини бажариш учун барча зарурий имкониятлар яратилган.

Маълумки, рўза ислом динининг беш улуг фарз арконидан биридир. Пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо САВ ҳадисларида: «Рамазон ойи кирса, жаннатнинг эшиклари очилади, дўзах эшиклари эса беркитилади, шайтонлар қишанланади», дейилган. Пайгамбаримиз: «Ражаб ойи Аллоҳнинг ойи, шаббон ойи менинг, рамазон ойи умматларимнинг ойидир», дея марҳамат қилганлар. Рамазон ойи қолган 11 ойнинг султониридир. Кўп асрлардан бери одамларни ҳидоятга даъват этиб келаётган Куръони Карим ҳам шу ойда нозил бўлган. Бу ойда шарофатли тун бор, уни «Лайлатул қадр» деб атайдилар. Рўзанинг яна бир хислати томони шундаки, у саҳийликка, қариялар, беморлар, етим-есирлар, юпунлар ҳолидан хабар олишга ундайди. Имоми Ҳаззолий рўза ҳақида шундай деганлар: — Рўза тутиш жон учун закот, ба-

зикли аёллар. 5. Қариллик, кексалар рўза тутишга қодир бўлмасалар, уни тутмайдилар. 6. Сурункали дардга мубтало бўлиб, йилнинг ўзи икки ой-

ида рўза тутиш саломатлигига тўғри келмаса. Чунки, улар тез-тез овақтлардан тийилиш, жамят учун, жиноятлардан сақланишдир. Оч баданда қалб бир меъёрда ишлайди. Ақл тиниклашади, кўз равшан тортади, тўқлик эса дангасалик туғдиради. Рамазон ойининг рўзасини тутиш ҳар бир мусулмон, балоғат ёшига етган, ақлу хуши жойида, соғ бўлган кишилар учун фарзидир. Рўза тутмасликнинг узрли сабаблари ҳам бор. Булар, 1.Беморлик. Рўза тутиш беморлик касаллигига қаттиқ таъсир қилиб, унинг зўрайиб кетишига сабаб бўлади. 2.Мусофирлик. Агар бигор кимса, уламоларнинг ҳисоб-кичиюқда кўра, уйдан 81 чакирим узоқда бўлса. 3. Аёлларнинг ҳайз ва нифос ҳолатида бўлганлари. 4.Эми-

журфти ҳалоли билан яқинлик қилишдан ҳам ўзини тия билиши керак. Меҳр-муруватли, хайр-саховатли, Аллоҳга ҳам тилида, ҳам дилида истиффорда бўлиши лозимдир. Рўза кунлари сахарликда ва ифторликда турти оватлишнинг саломатлик учун муҳим аҳамиятга эга. Айрим рўзодор кишилар кун бўйи оч қолмаслик учун сахарликда ёки кун бўйи оч юриб кечкучун бирданга кўпроқ қовурилган, ёғли, серғўшт ва бошқа таомларни зўр бериб истеъмол қиладилар. Натижада ошқозонда захарли моддалар кўпайиб, у қон таркибига ҳам салбий таъсир этиб, турли хасталиклар келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам сахарликда енгил, тўйимли, қувватбахш таомлар истеъмол қилинган маъқул. Ифторлик таомлари ҳам кун бўйи толиқан ошқозон учун оғир бўлмаслиги лозим. Рамазон шарифининг хислати жуда кўп. Бу яна бир бул ҳақни танишга, инсонийликни уюллагша интиладиган ойидир.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

А.АЛИЕВ

ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

КУЧИ БОЛАГА ЕТИБДИ

Каттақўрғон туманида икки номаълум шахс С.Султонов номи жамоа ҳўжалигида яшовчи У.Мардоннинг уйига бостириб киришиб, уни қирқма миллий билан кўрқитишиб, 55 минг сўм пулини олиб кетишган ва уларнинг орқасидан югуриб чиққан уй эгасининг ўғли З.Мавлоновга қарата милтиқдан ўқ узиб оёғига жароҳат етказишган эди.

Олиб борилган тезкор тадбирлардан сўнг Оҳақчи кишлоғидаги Ф.Қодиров ва ушбу ҳўжаликдаги фермада ишловчи Б.Ғадовлар ушбу жиноятни содир этганликлари аниқланди.

Ҳозирда отасини кўрқитиб, боласига ўқ узиб, оғир жониятга қўл урган кимсалар қилмиши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб берилмоқда.

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ БОШЛАНДИ

хафа қилди. Биринчи Россияда, иккинчиси Туркменистондан келган меҳмонлар бир уйнинг икки

хонасини банд қилган эдилар. Пули кам пули кўпининг тижоратчи эканлигидан хабар топиб, бегона юрда зўравонлик қилмоқчи бўлди. Ҳар ким ўз билганини қиларедди-да, деб ўйлаган меҳмон аздади. Кўп ўтмай, уларни ички ишлар ходимлари бошқа жойга «меҳмонга» олиб кетишди.

Қисқаси, Тошкент шаҳридаги Чилонзор туманининг 20-мавзесидидаги 27-уйда яшовчи Б.Ақуловнинг уйига меҳмонга келган таниши рязанлик Сергей Мартынов туркменистонлик тижоратчи Зокир Очиловни пичоқ билан кўрқитиб, «сенга берадиган пулим йўқ», дегач, унга тан жароҳати етказиб, 20 минг пулини тортиб олиб кетган эди.

Зўравон устидан тергов ҳаракатлари бошланди.

«Пулдан Ҷўз, Бўлмаса...»

Шахрисабз тумани ички ишлар бўлимига бир йигит келиб арз-дод қилди. Нима эмиси, бир зўравон уларнинг олдига келиб, «Пулдан Ҷўз, бўлмаса...га кетасан» дебди. Дўх-пўлисадан сўнг ҳам улар пул бермагач, горатчи йигит уларнинг савдодаги тушумидан 50 минг сўмдан зиёдини тортиб олиб кетибди.

ТЕЗКОР ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Элликқалъа туманида олиб борилган тезкор тад-

Остонадаги ўйлар БИЗ КУЧИ ВА БИЛИМИ БЎЛИШИМИЗ ЛОЗИМ

Инсон ҳали ўзига маълум бўлмаган ўзга оламнинг сиру синоатлари қаршисида лол қолиши қадим мерос. Эҳтимол, у барча жаҳада муваффақият қозониб, бахтининг олтин тахтига кўтарилар.Эҳтимол, омад юз ўтириб, бу қарафтор фалакда ундан ному нишон қолмас. Шундан унинг хаёлини бирда неқбин, бирда бадбин ўйлар банд этаётгандир.Зеро, у остона олдида турибди...

Нафслимбронин айтганда, остона хатлаб ўтас бас, янги — учинчи миғ йилликка қадм қўямиз. Миллатнинг равнақи, юртинг келажак асосан бизга, XX аср пөвнида турилган ёшларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам Юртовшимиз биз — азият кучли, билимли бўлишимиз лозимлигини қайта-қайта таъкидлайдилар. Ҷўз, биз-чи? Давлатимиз раҳбарининг, ҳукуматимизнинг бизга қўрсатган меҳрибонлигига қандай жавоб қўямиз? Тан олиш керакки, жавоб қўнгилдагидек эмас. Биз ҳатто вужудимизни соғломлаштиришга ҳам етарли даражада эътибор қилмаётимиз. Ахир, мамлакатда барпо этилган ва этилаётган барча соғломлаштириш, марказлари, стадионлар, секциялар, спорт

Ахрор АҲМЕДОВ, 11-мактаб ўқувчиси.

Газетанинг навбатдаги сони 21 декабрда чиқади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар
бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланилди. Офсет усулида бошланди. Бичим А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сопуша эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона маъмули: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топшириш вақти 23.30